


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

southern regions of Uzbekistan will help us better understand the worldview and religious views of the local population in addition to restoring their cultural heritage.

***Keywords**: skill, semantics, geometricity, herbalism, zoomorphism, embroidery, carpet, form.*

Б. Ҳошимов

Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964)

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Эндиликда тарихни ўрганиш, уни нафақат туб аҳоли, балки дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз, халқимиз тарихини ер юзига кўзгу сингари намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада халқимиз қадимги тарихини ўрганган археологларнинг тадқиқотлари ва улар қолдирган моддий-маданий бойликларининг ўрни беқиёс.

Дастлаб Марказийҳисобланган М. Дубровин, Ф. Назаров, П. Семенов-Тян-Шанский, Н. Пржева́льский, И. Мушкетов, А. Миддендорф. Н. Северцов, А. Федченко,Н. Бичурин, И. Крачковский, В. Бартолд, Б. Громбчевский, В. Роборовский, П. Козлов каби ге Осиёнинг қадимги тарихини Россия география жамиятига аъзо географ, геолог, ҳарбий инженер ва шарқшунослар ўргана бошлади. Уларнинг дастлабки “хабар” ва “ахборот”лари бу ўлкага қизиқишни янада кучайтирди [38; 55; 63; 56; 37; 36]. Айниқса, шарқ-шунослар Марказий Осиё тарихига оид ёзма манбларни ўрганиб, бу ерни жуда қадимий тамуддунга эга ўлка эканлигига кун сайин амин бўлиб боришарди [12; 5; 4; 2; 3; 39; 40]. Баъзи-баъзида қадимий топилмаларга ҳам дуч келиб [41; 15], уларнинг санасини белгилашга зарурат кун сайин сезилар эди.

Ўзбекистон ҳудудида археологик тадқиқотларнинг олиб борилиши тарихи ҳақида бир неча асар ва мақолалар эълон қилинган. Бироқ улар умумий тарзда берилиб, ҳудудларни тадқиқ қилган илмий жараён алоҳида кўрсатилмаган. Хусусан, Фарғонадаги археологик тадқиқотлар хронологияси ҳозиргача шакллантирилган эмас. Фақат қўшни давлатлардаги айрим тадқиқотчилар бу мавзуни қисман ёритиб, асосан ўзларининг ҳудудларида олиб борилган тадқиқотларни ҳикоя қилиш билан чегараланиб қолган [34; 62].

Юқорида айтилганидек, дастлабки археологик изланишларни Россия География жамияти ёки “Археология” тўгараги аъзолари олиб борган. Хусусан, Н. И. Веселовскийнинг (1848–1918) Марказий Осиё ҳудудида олиб борган илк тадқиқотлари диққатга сазовордир. У 1884 йилдан бошлаб Марказий Осиёдаги изланишларини олиб бориб, фанга кўплаб янгиликларни киритган. Шу вақтда у Фарғона водийсидаги қадимий тепаликларни ҳам бориб кўришга муваффақт бўлган. Унинг гуруҳи 1885 йилнинг баҳорида Чуст уездининг Ашт, Пунук ва Чодак қишлоқларидаги “қурум” – муғхоналарда ҳам қазиш ишларини олиб борган [33: 47]. Илк марта Ахси шаҳристонига бориб, қазилма ишларини олиб борган археолог, кейинчалик Косонсой қирғоғи бўйлаб жойлашган қурум ва муғхоналарни ўрганиб чиқди. Шу жараёнда қадимий Косон шаҳристони ҳаробалари ҳам кўздан кечирилди. Ушбу қазишмалар натижаси ўлароқ Н. Веселовский “Туркистанские ведомости” газетасида “Қадимги қўрғонлар”га бағишланган махсус мақола ҳам ёзиб чиқарган эди [33: 48].

1895 йилда Тошкентда ҳам Россия археология жамиятининг Туркистон ҳаваскор Археологлар тўгараги ташкил этилди. Унинг аъзолари Туркистон ўлкасидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланган. 1896 йилда К. Рудановский (1819–1882) Фарғонадаги археологик объектларни кўздан кечириб, Қўқон, Марғилон, Ўш, Ўзган ва Янги Навкатдаги меъморий обидалардаги эпиграфик ёзувларни тадқиқ қилган эди [34].

Шу вақтларда Н. Малицкий (1881–1938) Фарғона водийси шарқидаги манзилгоҳлар, жанубдаги Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидаги табиий ва сунъий ғорлар ҳамда қоятош тасвирларини ўрганди (Аравон ва Сўхдаги суратлар). Яна бир рус олими А. Петров Сўх дарёси бассейни билан танишар экан, бир неча қадимий шаҳристонлар ҳақида маълумот йиғди. Қўғорт довонидаги Сиймоли тош (шарқий Фарғона) тасвирлари 1902 йилда Н. Хлудовнинг (1850–1935) тадқиқот объектига айланиб, тез орада у ҳақда бутун дунё билди [34].

Ушбу тадқиқотлардан руҳланган В.В. Бартольд (1869–1930) 1893 йили Марказий Осиёга илк бор ташриф буюрганда бу ердаги ноёб археологик объектлар тадқиқи ва муҳофазасини кучайтириш масаласини кўтариб чиқди. Ёзма, этнографик, нумизматик ҳамда топономик манбалар қаторида археологик объектлар ҳам тарихий манбашуносликда муҳим рол ўйнаши мумкинлигини таъкидлади. Унинг иккинчи саёҳати 1902 йилда Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсида бўлиб, араб манбаларида келтирилган қадимий шаҳарларни топишга интилди. Мана шу сафар чоғида Фарғонадаги айрим қадимий шаҳарларнинг қолдиғини йўл-йўлакай кўриб ўтган эди [1].

1912 йилда геолог В. Вебер (1871–1940) Фарғона водийсининг жанубий тоғликларида геологик-разведка қилиб юрганида Сўхдаги бир неча суратлар ҳақида ҳам хабар берган. Буларнинг ҳаммаси Фарғона водийсига бўлган қизиқишни янада кучайтириб юборди. 1915 йилга келганда Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги аъзоларининг саъй-ҳаракати билан Марказий Осиёнинг, хусусан, Фарғона водийсининг қадимий тарихига оид талайгина тарихий-археологик материаллар йиғилган эди [33].

Совет ҳокимиятининг илк йилларида олиб борилган қурилиш ишлари жараёнида яна археологларга зарурат туғилди. 1933 йилда Б.А. Латинин (1899–1967) Фарғона водийсидаги Норин дарёсида қурилаётган гидроэлектростанция ҳудудини ўрганиб чиққан [28]. Иш жараёнида у шарқий ва жанубий Фарғонадаги бир неча археологик ёдгорликларда разведка (дастлабки таҳлил) ишларини олиб борди. Ўрганилган материаллар асосида қадимги Фарғона тарихини даврлаштиришни (классификация қилиш) илк марта Б. Латинин амалга оширган эди [16]. Унинг даврлаштириш усулига ҳозирга қадар археологлар эътибор қаратишади. Шунингдек, у археологлар орасида биринчи бўлиб, қадимги Фарғонанинг суғориш тизими масалаларига эътибор қаратди ва бу соҳани тадқиқ қилиш, ўрганиш замонавий ирригация қурилмаларини яратишда қўл келиши мумкинлигини таъкидлаб чиқди [27]. Фарғонадаги милодий эра бошларига мансуб ярим ҳандақ, катакомбасимон, тош сағана ва бошқа усулларда дафн этиш одатлари бунга мисолдир. Водийдаги хумларга дафн этиш усулини ҳам биринчи марта Б. Латинин фанга маълум қилган [24].

1930-йилларда яна бир номдор археолог М.Е. Массон (1897–1986) Б. Латинин гуруҳи билан биргаликда Фарғона водийси ва унга чегарадош тоғлик ҳудудларини тадқиқ қилиб чиқди. У “Фарғона экспедицияси” таркибида бир неча шов-шувли топилмаларни фанга маълум қилди [53]. М. Массон Талас яқинидаги Аччиқ тош қояларида ва Ўш шаҳри атрофида олиб борга тадқиқотларда турк-руник ёзувли ёғоч ва сопол парчаларини топган.

Айниқса, Катта Фарғона канали қурилиши йилларидаги (1939) М. Массон ЎзФА томонидан ташкилланган археологик экспедицияга умумий илмий раҳбари бўлиб, водийнинг ўнлаб шаҳарларида “археологик разведка” ишларини олиб борган. Шу йили профессор М. Массон Фарғона шаҳрига ҳам ташриф буюриб, шаҳар ҳудудидаги айрим археологик объектларни кўздан кечириб чиққан ва кейинги тадқиқотлар учун режалар тузган эди. Бироқ унинг режаларига иккинчи жаҳон уруши ҳалал бериб, мақсадларини орқароққа суришга мажбур бўлди. Урушдан сўнг Н. Горбунова унинг қораламаларидан фойдаланиб Фарғона шаҳри ҳудудидаги объектларда қазиш ишларини олиб борган [17].

Совет даврининг пионер археологларидан яна бири А. Н. Бернштамнинг (1910–1956) қадимий Фарғона тарихини ўрганишдаги ҳизматлари бебаҳодир. У 1933 йилдан археологик тадқиқотларни ҳам амалга ошира бошлаган. Бунда у илк бор Ўрта Осиёдаги Чуй, Талас ва жанубий Қозоғистон ҳудудларида қазиш ишларини олиб борди. 1936 йилдан эса, А. Бернштам Тян-шан, Олой ва Помир тоғ тизмалари ва унинг ёнбағирларида археологик тадқиқотларни бошлади. Бу даврда у бир неча марта Фарғона водийси шаҳарларида ва унинг археологик объектларида бўлиб, ўтроқ халқлар билан кўчманчи туркларнинг ўзаро маданий алоқаларини ўрганишга алоҳида урғу берди.

II жаҳон уруши йилларида, аниқроғи, 1942–1943 йилларда А. Бернштам Фарғона водийсининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларига экспедициялар уюштирди. Бунинг натижасида ҳудуд илк бор археологик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, айниқса, ўтроқ халқларга хос бўлган материалларни даврийлаштириш ва ўзига хослигини аниқлашга муваффақ бўлинди. Кейинроқ шу экспедиция материалларига Тян-шан, Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедициялари материаллари қўшилди ва таққослаб чиқилди. Шу ишлар жараёнида А. Бернштам бронза даврининг дашт-кўчманчи қабилаларига хос бўлган дафн этиш усулларини кашф этди. Ўш шаҳри яқинидан “Андронов маданияти”га оид ашёларни топиб, фанга маълум қилди. Шарқий Помирдан эса, илк кўчманчи сакларга хос бўлган ёдгорликларни топди, уларни ўрганди ва қадимда ўтроқ ҳамда кўчманчи халқлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг кўчиб юриш йўллари ва чегаралари тўғрисида муҳим янгиликларни кашф қилди [9].

1950 йилнинг ёзида у Помир-Фарғона археологик-этнографик комплекс экспедицияни ташкиллаб, Фарғона тоғ тизмаларининг Сиймоли тош дарасида жойлашган минглаб қоя-тош тасвирларини батафсил ўрганиб чиқди [11].

Кўпйиллик изланиш ва тадқиқотлар натижаси ўлароқ, 1952 йилда нашр этилган “Марказий Тян-шан ва Помир-Олойнинг тарихий-археологик очерклари” номли асари [10] биз учун ниҳоятда муҳим манбадир [10]. Ушбу асрда Марказий Осиёнинг энг йирик географик ҳудуди ҳақида гап борар экан, аввало, улардаги материаларни бир-бирига ўзаро таққослаш орқали масала очиб берилган. Шу жараёнда Фарғона водийси бош планда туриб, водийга чегарадош ҳудудларнинг моддий-маданий топилмалари, меъморий қурилмалари, дафн этиш одатлари, нумизматик, эпиграфик ва этнографик материллари Фарғона материаллари билан солиштириб чиқилган. Шу билан бирга, қадимги Фарғона тарихининг очилмаган қирралари тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Қадимги Фарғона тарихини ўрганувчи археологларнинг ҳеч бири мазкур асарни четлаб ўтолмайди. Ушбу асарни

яратиш жараёнида А. Бернштам Фарғона шаҳрига ҳам келиб, бу ердаги ўлкашунослик музейи фондларида сақланаётган ашёлар билан танишиб чиқди. Экспонатларнинг кўпларини даврийлаштиришда ёрдам берди. Туркруник ёзувидаги материалларни тадқиқ қилди [7]. Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганар экан, А. Бернштам ўзининг 1951 йилда нашр этилган "Қадимги Фарғона" номли асари ҳам аҳамиятга молик [8].

Ўзбекистонда археология фани тарихи ҳақида гап кетганда, хусусан, Фарғона водийсининг қадимий тарихини ўрганилиши масаласида академик Яҳё Ғуломович Ғуломовнинг (1908–1977) ўрни беқиёс эканлиги ҳаммага маълум. У Ўзбекистон тарихидаги илмий муаммоларни ҳал килиш учун бир қанча йирик археологик қидирув экспедицияларига бошчилик қилди [65]. Унинг Фарғонадаги биринчи жиддий иши 1939 йилда катта Фарғона канали қурилиши вақтида амалга оширилган бўлиб, канал трассасида ташкилланган археологик экспедициянинг 3-бўлинмасига раҳбарлик қилган. Шу йили Риштон, Ўзбекистон, Сўх, Бешариқ ва Учкўприк туманларидаги кўплаб археологик объектларни ўрганиб чиққан [19].

1950 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда археология ёдгорликларини тарихий-маданий воҳаларга бўлиб ўрганиш жорий этилди. Шу йилларда ташкилланган Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедицияларида катта ҳажмда, муваффақиятли тадқиқотларни ўтказди [65]. Я. Ғуломов 1960 йилларда ЎзФА тарих ва археология институти томонидан ташкилланган Фарғона экспедицияларига раҳбарлик қилди [23]. Бунинг натижасида, Обишир маданияти, Марказий Фарғонанинг тош даври маданияти каби муҳим кашфиётлар қилди. Фарғона водийсидан палеолит, мезолит, неолит ва бронза даврига мансуб янги ва янги манзилгоҳларнинг фанга маълум қилиниши бевосита иштирок этган. Фарғонадаги Қапчиғай, Сел Унгур, Обишир каби қадимги тош даври ғор маконларининг ўрганилиши, илмий жамоатчилик томонидан Ўзбекистоннинг тош даври археологияси учун катта илмий ютуқ сифатида эътироф этилди [65].

Чустда бронза даври манзилгоҳи аниқлангач, Я. Ғуломов 1960-йилларда бу ерда доимий экспедиция ишларини ташкиллади [65]. Ушбу экспедицияда В. Спришевский (1911–1991) 70-йилларга қадар тадқиқот олиб борди [29]. Ю.Заднепровский (1924–1999) Долварзинтепадаги тадқиқотларига ҳам Я. Ғуломов умумий раҳбарлик қилди [22].

Ва ниҳоят 1957 йилда Қува шаҳристонидан топилган Будда ибодатхонасини очилиши ҳам Яҳё Ғуломовичнинг меҳнатлари маҳсулидир. В. Булатова олиб борган тадқиқотлар доимо устознинг назоратида бўлган ва Я. Ғуломов ушбу экспедицияни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаб турган. Ушбу кашфиётга бағишлаб ёзилган "Қадимги Қува" монографиясига ҳам муҳаррирлик қилган [13].

А. Бернштамнинг шогирди ва дўсти М. Э. Воронец (1883–1954) ҳам бир неча муҳим тадқиқотлар билан Фарғона тарихида ўчмас из қолдирган. 1937 йилда у “Узкомстарис”[1]да илмий ходим, кейинроқ, раис ўринбосари вазифасида ишлади[6]. 1939 йилда М. Воронец раҳбарлигидаги Фарғона экспедицияси вилоятнинг жанубий қисмида археологик рекогносцировка[2]ни амалга оширади [54].

Шу йили М. Воронец Т. Оболдуева билан биргаликда Сўх-Ҳайдаркон-Шоҳимардон йўналиши бўйича археологик қидирув ишлари олиб бориб, бир неча янги топилмалар билан шов-шувга сабабчи бўлганди[3]. Айниқса, Сўх тумани ҳудудидаги қоятош тасвирларини[4] комплекс тасвирини чизиб, таснифларини ёзиб, турли манбаларда эълон қилгач, мавзуга доир баҳс-мунозаралар кучайиб кетади.

1950 йилда уни А. Бернштам Помир-Олой экспедициясига, Ўзбекистон бўлинмасига раҳбарлик қилишга таклиф қилиб, Фарғона водийсининг паст текистликларидаги объектларни ўрганиб беришни сўради. Ушбу экспедиция жараёнида бир неча бронза даври ёдгорликлари, хусусан, Чуст манзилгоҳини ҳам тадқиқ қилди [14].

Фарғонанинг қадимги тарихини изчиллик билан ўрганган яна бир номдор олим В. И. Спришевский ҳисобланади. У 1950 йилларда Чотқол тоғ тизмаси бўйлаб уюштирилган экспедиция жараёнида бир нечта “Муғхона”ларни ўрганиб чиқди. Мазкур ишлар давомида Чуст манзилгоҳи алоҳида тадқиқ қилиниб, Б. Латинин, кейинроқ, М. Воронецларнинг хулосаларига солиштириб чиқишни ўйлаган эди [26; 14]. Дастлабки, ўрганишдан сўнг В. Спришевский Чуст манзилгоҳини илмий ишга мавзу қилиб олди. Бирин-кетин мазкур ёдгорлик тўғрисида мақолалар бера бошлади [58; 61; 60; 57]. Чустдаги тадқиқот ишлари 1961 йилга қадар давом этиб, унинг натижасида 1963 йилда В. Спришевский “Бронза даврига оид Чуст деҳқончилик маданияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди [57]. Кейинги давр археологлари Фарғона водийсининг бронза даври ёдгорликларини тавсиф қилар экан, В. Спришевский фамилиясини ёки “Чуст маданияти” деган тарихий атамани четлаб ўта олмайди. Чукни бу

[1] Узкомстарис – Узбекистанский комитет по делам памятников старины и искусства (Ўзбекистон музейлар иши, ўтмиш ва санъат ёдгорликларини сақлаш ишлари шуғулланган ташкилот).

[2] Рекогносцировка (лот. Recognosco – кўриб чиқяпман, атрофни ўрганяпман). Маълум ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар, геологик тадқиқотлар, қурилиш, археологик қазиш ишлари олиб боришдан аввалги дастлабки ўрганиш ишлари.

[3] Бир йилдан сўнг шу йўналишда Сўх–Ҳайдаркон–Шоҳимардон канали қазилиб, фойдаланишга топширилган.

[4] Бу қоятош суратлари дастлаб 1912 йилда геолог В. Вебер томонидан топилган.

олим “Бронза даврининг Чуст деҳқончилик маданияти” деган атамани фанга муҳрлаб қўйган эди.

Т.Г. Оболдуева (1908–1995) 1931 йилда Ўрта Осиё давлат университетини муваффақиятли тамомлаб, Б.Латинин бошчилигидаги Фарғона экспедициясига таклиф қилинди. 1930 йилларда у Узкомстарис ва Фарғона музейи томонидан ташкилланган Ангрен ва Фарғона археологик экспедицияларида иштирок этади.

1933 ва 1934 йилларда у Фарғона водийсининг шимолий-шарқий ва жанубий-ғарбий қисмида олиб борилган археологик экспедицияларда фаол иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, бу экспедиция Фарғонанинг қадимги тарихини ўрганувчи биринчи махсус илмий экспедиция эди. Эспедиция объектларда дастлабки разведка ишларини ўтказишдан ташқари водийнинг шимолий-шарқидаги илк темир даврига мансуб Эйлатон ва Қўғайтепа манзилгоҳлари ҳамда жанубий-ғарбида жойлашган Исфара қишлоғи яқинидаги ярим ҳандақли ва катакомбасимон қўрғон-қабристонларда тўлақонли қазилма ишларини олиб борган [43]. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилиш трассасидаги археологик объектларда қазиш ишларини олиб борди. Т. Оболдуева Норин дарёсидан тортиб Қува тумани ҳудудигача бўлган 90 км.лик катта майдонни тадқиқ қилиб чиққан [44]. 1940 йилда Т. Оболдуева Шимолий Фарғона каналининг қурилиш трассасида ҳам экспедицияга раҳбарлик қилди [17]. Каналлардаги қазиш ишлари жараёнида топилган ашёларни таҳлил қилди ва бой материллар йиғди.

1960-йилларда у Эйлатон шаҳристонига келиб, Б. Латинин бошлаган қазишмаларни давом эттирди [45]. Шунингдек, у Дальверзинтепадаги бронза даври шаҳристонида ҳам қатнашган. 1963 йилга келганда Т. Оболдуева Н. Горбунованинг таклифига кўра, Фарғона экспедициянинг тўлақонли аъзоси сифатида Фарғонага келди ва 1986 йилга қадар унинг таркибида археологик изланишларда иштирок этди [17].

Т. Оболдуева билан параллел равишда В.Д. Жуков (1902–1962) ҳам маълум муддат Фарғонада тадқиқотлар олиб борган. Катта Фарғона канали трассасининг ўрта қисмида иккинчи археологик бўлинмага раҳбарлик қилган [21]. У, асосан, ўрта асрларга мансуб қадимги шаҳристонларни ўрганиб, Ахси, Косон, Риштон, Марғилон, Кува ва Андижон шаҳарларининг ўрта асрларга хос қатламларида қазилма қилиб кўрди [21]. Урушдан кейин Қувада мустақил тарзда қазилма ҳам қилиб кўрган [20].

Фарғона тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган археологлардан яна бири, аниқроғи ўзини “археолог” деб аташга ҳақли бўлган ҳаваскор ўлкашунос П.Т. Конопля (1907–?) ҳисобланади. Зотан, ушбу шахс тўғрисида жуда кам маълумот сақланиб қолган бўлса-да, унинг хизматлари эвазига тўпланган ашёлар Фарғона тарихи учун муҳим аҳамият касб этади.

1954 йилда П. Конопля Олой тоғ тизмалари этакларидаги Ўхна қишлоғида қурилиш учун олинган тупроқ уюми ичидан ғайри-оддий қайроқ тош бўлагини топиб олди. А. Окладников бу тош қуролларни ўрта полеолит (Мустье) даврида неандертал туридаги одамлар томонидан ясалганлигини таъкидлаган. Орадан бир мунча вақт ўтиб А. Окладников Фарғонага келди ва П. Конопля билан бирга Ўхна қишлоғига келиб объектни синчиклаб ўрганди. Аслида А. Окладников водийни урушдан аввал ҳам кўздан кечирган эди [46]. Водийнинг палеолит даврига оид манзилгоҳларни аниқлаш борасида А. Окладников ва В. Ранов П. Конопляниng хизматлари беқиёс бўлганлиги кўп марта таъкидлашган [64].

Полмон ва Учқўрғондаги қуйи палеолит даври топилмалари[52], Қадамжой тумани Хўжа Ҳайр дарасидаги бешта палеолит даври манзилгоҳи [25; 52], Мусте даврига хос “Қапчуғай тоштарошлик устахонаси” [30], Сел унғур ғоридаги илк топилмалар, Қадамжой яқинидаги Катта ғор, Камар ғори, Обишир ғори, Хўжа Ҳайр дарасидаги Айрбоз ва Шоҳимардон атрофларидаги бир неча туркум ғорлар П. Конопляниng хизматлари эвазига фанга маълум бўлган [25; 50].

Зотан, Фарғонанинг тош даври тарихи ҳақида сўз борар экан икки буюк совет археологлари – А.П. Окладников (1908–1981) ва В.А. Рановларни (1924–2006) қайд этмасдан иложимиз йўқ. А. Окладников ўз даврида ўнлаб кашфиётлар қилган ва бутун дунё таниган олим сифатида ҳаммага маълум. Биргина Сурхондарёнинг Тешиктош ғоридаги кашфиёти хали ҳамон аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг тадқиқот ҳудуди собиқ иттифоқнинг Осиё қисми бўлиб, қаерда унга эҳтиёж сезилса, шу ерда қазишмалар олиб бораверган. Шунинг учун у гоҳ Марказий Осиёда, гоҳ Сибир, гоҳ Монголия, гоҳ Узоқ Шарқда пайдо бўлиб қолган [51].

Фарғонага эса, А. Окладников II жаҳон урушидан кейин, 1955 йилга келиб, тоғ олди ҳудудларида дастлабки кўрикни ўтказган [46]. У водийнинг бир қанча жойларида муҳим кашфиётлар қилди. Тош ва бронза даврига оид бир неча манзилгоҳлар аниқланди [49]. Маҳаллий тарихчилар билан ҳамкорликда туркум манзилгоҳларни фанга маълум қилди [47].

В. Ранов эса, аввалига А. Окладников гуруҳида, кейинчалик мустақил тарзда тадқиқотлар олиб борди. Унинг тадқиқот ҳудуди, асосан, Тожикистон Республикаси бўлгани учун қўшни республикаларда кам ишлаган. Шундай бўлса-да, палеолит ва бронза даврига оид манзилгоҳларга тез-тез чақириб турилган. Хусусан, Фарғона вилоятидаги Қайроққум маданиятига мансуб Жарқўтон ва Оқ танга манзилгоҳлари В. Ранов тамонидан аниқланган [42]. Водий жанубидаги бир неча тош даври ёдгорликлари унинг иштирокида кашф қилинган [50].

Б. Литвинский билан бирга Қайроққум сув омбори қурилиши майдонини тадқиқ қилиб, ҳам тош асрига, ҳам бронза даврига мансуб туркум манзилгоҳларни топди. Тез орада археология фанида Фарғона водийсидаги бронза даврига мансуб “Қайроққум маданияти” деб номланган илмий атама пайдо бўлди [31].

Кўриниб турибдики, Фарғона водийсида XX асрнинг биринчи ярмигача тадқиқот олиб борган археологлар юзлаб кашфиётларга асос солишди. Инсоният тамаддунининг у ёки бу даврига оид топилмалар, манзилгоҳлар, шаҳристон, тепалик ва қабристонлар Фарғонани қадимий маданият ўчоқларидан бир эканлигини намоён қилди. Катта Фарғона канали трассасида аниқланган Мингтепа, Ахси, Косон, Риштон, Қува ва Ўзган каби шаҳарларнинг қолдиқлари бу ерда қадимги давлатчилик ва шаҳарсозлик нақадар ривожланганидан далолат бераради. Чуст деҳқончилик маданияти, Қапчуғай тоштарошлик устахонаси, тоғ ва тоғолди ҳудудларида учраган ибтидоий манзилгоҳлар водий тарихини изчиллик билан ўрганиш лозимлигини кўрсатиб берди. Кейинги давр археологлари учун бу кашфиётлар нафақат дебоча, балки кучли руҳий иштиёқ ҳам бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Собрание сочинений в 9 томах. Т. I. Москва, 1963.
2. Бартольд В.В. Из прошлого турок. Петроград, 1917.
3. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927.
4. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан. Санкт–Петербург, 1904.
5. Бартольд В.В. Отчет о поездке в Среднюю Азию в 1893–94 годах. Собрание сочинений в 9 томах. Т. IV. Москва, 1966. С. 21–88.
6. Бернштам А. Н. Максимилиан Эммануилович Воронец / Советская Этнография. 1956. № 3. С.153–154.
7. Бернштам А.Н. Древнетюркские рунические рукописи из Ферганы / Эпиграфика Востока. Т. XI. 1956. С. 54–58.
8. Бернштам А.Н. Древняя Фергана. Ташкент, 1951.
9. Бернштам А.Н. Из истории культурных связей Ферганы и Тянь-Шаня. Фрунзе, 1945.
10. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // Материалы и исследования по Археологии СССР. Москва–Ленинград, 1952. № 26.

11. Бернштам А. Н. Наскальные изображения Саймалы-Таш / Советская Этнография. 1952. № 2. С. 50–68
12. Бичурин (Иакинф) Н. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-томах. Москва, 1950–1953.
13. Булатова В. А. Древняя Кува. Ташкент, 1972.
14. Воронец М. Археологическая рекогносцировка 1950 г. по Наманганской области // Известия Академии наук Уз ССР. Ташкент, 1951. № 2.
15. Воронец М. Каменное изображение змей из кишлака Сох Ферганской области // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях. Институт истории материальной культуры. Памяти Александра Юрьевича Якубовского. Вып.: 61 Москва–Ленинград, 1956. С. 48–55.
16. Горбунова Н., Качалова Н. “Б. А. Латынин (1899–1967)”. [Некролог] / Советская археология. 1968. № 1. С. 323–324.
17. Горбунова Н.Г., Брыкина Г.Л., Заднепровский Ю.Л. Памяти Татьяны Григорьевны Оболдуевой // Российская Археология. Вып.1. Москва, 1996. С. 252–254.
18. Горбунова Н.Г., Козенкова В.И. Сым-тепе – поселение в Фергане // Археологический Сборник Государтсвенного. Эрмитажа. 1974. № 16. С. 95–104.
19. Гулямов Я.Г. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала. Труды института истории и археологии АН Уз ССР. Т. 4. Ташкент, 1951. С. 85–122.
20. Жуков В.Д. Обследование городища старая Кува в 1956 году / Краткие сообщения института истории и материальной культуры СССР. 1960. №80. С. 80–84.
21. Жуков В.Д. Отчет о работе второго отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала. Труды института истории и археологии АН УзССР. Т.4. Ташкент, 1951. С. 41–84.
22. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы / Материалы по истории и археологии. Вып.: 118. Москва–Ленинград, 1962.
23. Исламов У.И. Обширская культура. Ташкент, 1980.
24. Козенкова В.И. К вопросу о хумах с захоронениями костей на территории Средней Азии // Советская археология. 1961. №3. С. 251–260.
25. Конопля П.Т. Следы людей каменного века на территории Южной Киргизии / Известия АН Кирг ССР. Т.I. № 1. Фрунзе, 1959. С. 41–47.

26. Латынин Б.А. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г / Археологический сборник. 1961. № 3. С. 109–170.
27. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы. Ленинград, 1962.
28. Латынин Б. А. Работы в районе проектируемой электростанции на районе Нарын в Фергане / Известия Государственной академии материальной культуры. 1985. Вып. 110.
29. Левтеева Л., Минасянц В. Эхо ушедших эпох. Ташкент, 2017.
30. Леонов Н.И. Археологические находки слесаря П.Т. Конопля / Наука и жизнь. 1963. № 10. С. 68–70
31. Литвинский Б.А., Ранов В..А. Древности Кайрак-Кумов (Древнейшая история северного Таджикистана) / Труды Академии наук ТаджССР. Т. 33. Душанбе, 1962.
32. Лунин Б. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). Ташкент, 1958.
33. Лунин Б. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Ташкент, 1979.
34. Мадалиев Н. История археологического изучения Южного Кыргызстана / Автореф ... кандидат исторических наук. Петербург, 2003.
35. Исомиддинов М.Ҳ. Матбобоев Б.Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. Фарғона, 2012.
36. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. Санкт–Петербург, 1882.
37. Мушкетов И. Туркестан. Геологическое и орографическое описание по данным, собранным в путешествиях с 1874 по 1880. Санкт–Петербург, 1886.
38. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. Москва, 1968.
39. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886.
40. Наливкин В. Туземцы раньше и теперь. Ташкент, 1913.
41. Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Ташкент, 1899.
42. Несмеянов С.А., Никонов А.А., Лаухин С.А. Памяти Вадима Александровича Ранова // Российская Археология. 2014. № 4. С. 186–188.
43. Латынин Б.А., Оболдуева Т.Г. Исфаринские курганы. (К вопросу о системе хозяйства древней Ферганы) / Краткие сообщения института истории и материальной культуры СССР. Вып.: 76. 1959. С. 17–27.

44. Оболдуева Т.Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала / Труды института истории и археологии АН Уз ССР. Т.4. Ташкент, 1951. С. 7–40.
45. Оболдуева Т. Г. Раскопки 1960 г. на городище Эйлатан / Краткие сообщения института археологии АН СССР. Вып. 91. Москва, 1962. С. 38–48.
46. Окладинков А.П, Леонов Н.И. Первые находки каменного века в Фергане. Краткие сообщения института археологии АН СССР. Вып.: 86. Москва, 1961. С. 36–43.
47. Окладников А.П., Касымов М.Р., Конопля П.Т. Капчигайская палеолитическая мастерская. История Материальной Культуры Узбекистана. Вып.: 5. Ташкент, 1964. С. 5–12.
48. Окладников А., Абрамзон С., Винников Я., Дебец Г. Работы Киргизской комплексной археолого-этнографической экспедиции в 1953 году / Советская этнография. 1954. № 2. С. 153–160.
49. Окладников А.П. Археологические исследования в Киргизии / Вестник АН СССР. 1954. № 9. С. 50–55.
50. Ранов В.А. Изучение каменного века Средней Азии за двадцать лет (1945–1965). Материальная Культура Таджикистана. Душанбе, 1968.
51. Ранов В.А. Памяти академика Алексея Павловича Окладникова / История СССР. Москва. 1982. № 2. С. 215–219.
52. Ранов В.А., Несмеянов С.А., Конопля П.Т. Палеолитические местонахождения в Южной Фергане. Древняя и раннесредневековая культура Киргизстана. Фрунзе, 1967.
53. Рахмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. Тошкент. 2006.
54. Саидов М. Фарғона вилоятининг археологик харитасига доир янги маълумотлар // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғона, 2014. Б. 12–14.
55. Северцов Н. Вертикальное и горизонтальное распределение туркестанских животных. Москва, 1953.
56. Семенов-Тян-Шанский П. Туркестан и Закаспийский край в 1888 г. Санк–Петербург, 1889.
57. Спришевский В.И. Раскопки Чустского поселения в 1956 г. / Советская археология. 1958. № 3. С. 185–190.
58. Спришевский В.И. Чустская стоянка эпохи бронзы / Советская Этнография. 1954. № 3. С. 69–76.
59. Спришевский В.И. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы) / Автореф. ... канд. дис. Ташкент, 1963.

60. Спришевский В.И. Чустское поселение / Краткие сообщения института истории и материальной культуры СССР. Вып.: 71. Москва, 1958. С. 86–99.
61. Спришевский В.И. Чустское поселение эпохи бронзы. (Из раскопок 1954 г.) / Краткие сообщения института истории и материальной культуры СССР. Вып.:69. Москва, 1957. С. 40–50.
62. Тожиев Э.И. Вклад академика Б.А. Литвинского в изучение истории культуры Северного Таджикистана / Дисс. ... канд. ист. наук. Душанбе, 2009.
63. Федченко А. Путешествие в Туркестан. Москва, 1950.
64. Чаргынов, Т.Т. Палеолит Южного Кыргызстана: По материалам местонахождения Юташ-Сай / Автореф. ... канд. ист. наук. Новосибирск, 2006.
65. Ширинов Т. Ш., Бердимуродов А. Э., Пардаев М. Ҳ. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан / Ўзбекистон археологияси. 2010. № 1. Б. 3–11.

Б. Ҳошимов

Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан
(1884–1964)

Маълумки, Фарғона водийси инсониятнинг қадимий тамаддун ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамаддуннинг илмий асосларини топиш, тадқиқ қилиш ва илмий ҳамжамиятга маълум қилиш археологлар зиммасидаги машаққатли вазифадир. Ушбу мақолада Фарғона водийсида XX асрнинг 50-йилларига қадар тадқиқот олиб борган олимларнинг изланишлари ҳақида қисқача хикоя қилинади.

Фарғона водийсида илк археологик тадқиқотлар XIX аср оҳирларидан, водий Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг бошланди. Водийдаги кўп сонли қадимий қўрғон ва шаҳар қолдиқлари, тепаликлар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги табиий ғорлар тадқиқотчилар эътиборини тортган. Дастлаб Н. И. Веселовский ва В. В. Бартолд каби йирик тарихчилар йўл-йўлакай ўрганиб кетган Фарғона водийси, 1930-йилларда Б.А. Латинин бошчилигидаги професионал археологларнинг тадқиқот объектига айланди. Айниқса, 1939 йилда, катта Фарғона каналининг қурилиши жараёнида М.Е. Массон раҳбарлигидан ташкилланган археологик экспедициянинг ишлари эътиборга молик. Унда қатнашган Т.Г. Оболдуева, В.Д. Жуков, Я.Ғ. Ғуломовларнинг илмий ҳисоботлари ҳали-хануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. 40-йилларда водийнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан тадқиқот олиб борган А.Н. Бернштамнинг изланишлари ҳам

муҳим аҳамият касб этади. Унинг Помир-Олой экспедицияси Фарғонанинг қадимий тарихига оид ўнлаб кашфиётларни фанга маълум қилди. Шу йилларда Фарғона водийсидаги янги ирригацион-қурилиш ишларида М.Э. Воронец ҳам тадқиқотлар ўтказиб муҳим илмий янгиликларни фанга маълум қилган эди. Сўхдаги қоятош тасвирлари, Сўх-Шоҳимардон канали трассасидаги қатор манзилгоҳ ва ғорлар ана шулар жумласидандир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин машҳур археологлар А.П. Окладников ва В. А. Рановлар ҳам водийнинг тоғлик ҳудудларида ибтидоий одамларнинг манзилгоҳларини фанга маълум қилиб анча шов-шувли кашфиётлар қилишди. Айниқса, ҳаваскор ўлкашунос П.Т. Конопля билан ҳамкорликда қилинган кашфиётлар кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборига тушди. Полмон, Учқўрғон, Қапчуғай, Обишир, Қайроққум, Сўх, Шоҳимардонсой ва Хўжабақирғонсой атрофларида аниқланган қатор манзилгоҳлар илк марта улар томонидан ўрганилган бўлиб кейинчалик улар оламшумул кашфиётларга тагзамин бўлиб ҳизмат қилди.

Юқорида номлари қайд этилган олимлар Фарғонани археологик жиҳатдан изчил ўрганиш лозимлигини исботлаб беришди. Кейинги давр олимлалари эса уларни нақадар ҳақ эканликларига амин бўлишди.

Калит сўзлар: *Фарғона, археология, музей, экспедиция, қазилма, топилма, тадқиқот, илмий кашфиёт, деҳқончилик маданияти, чорвачилик маданияти, шаҳристон, канал, иншоот.*

Б. Хашимов

Из истории археологических исследований в Ферганской долине (1884–1964)

Как известно, Ферганская долина является одним из очагов древней цивилизации человечества. Нахождение научных обоснований данной цивилизации, исследование и сообщение научному сообществу стали важной задачей перед археологами. В данной статье кратко изложено содержание исследовательских работ ученых, работавших в Ферганской долине до 50-х годах XX века.

Первые археологические исследования в Ферганской долине начались еще конце XX века: после завоевания долины Российской империей. Привлекли внимание исследователей многочисленные курганы и остатки городов, высоты, горы и предгорья, естественные пещеры. Изначально Ферганская долина была изучена видными историками такими, как Н. И. Веселовский и В. В. Бартольд. В 1930-х годах археологические объекты изучались профессиональными археологами во главе с Б.А. Латыниным.

Также, феноменом археологических работ в долине является археологическая экспедиция профессора М.Е. Массона в 1939 году, которая была организована во время строительства Большого Ферганского канала. Научные отчеты Т.Г. Оболдуевой, В.Д. Жукова, Я.Г. Гулямова, непосредственно участвовавших в данной экспедиции, до сих пор не потеряли своей актуальности. Высоко ценятся исследовательские работы А.Н. Бернштама, проводившим работы по изучению гор и предгорных окрестностей Ферганской долины. Благодаря "Памиро-Алайской" экспедиции, науке стали известны десятки новых открытий, касательно древней истории Ферганы. В эти годы М.Э. Воронец тоже проводил исследования в процессе ирригационно-строительных работ и известил науку о важных научных открытиях. В их число входят наскальные рисунки в Сохе, пещеры на трассе канала Сох-Шахимардан.

После Второй мировой войны знаменитые археологи А.П. Окладников и В.А. Ранов также изучали горные местности долины, что привело к открытию стоянок первобытных людей. Данное открытие стало причиной резонанса в науке. В особенности, открытия, сделанные в сотрудничестве с любителем-краеведом П.Т. Коноплей, заслужили внимание многих. Стоянки, выявленные в окрестностях Пальмана, Учкургана, Капчугая, Обишира, Кайраккума, Соха и Шахимардана, впервые были изучены ими и позже служили основанием для важных открытий.

Вышеперечисленные ученые доказали, что Фергану с археологической точки зрения следует изучать еще глубже. Ученые следующего поколения убедились, на сколько они были правдивы.

***Ключевые слова**:: Фергана, археология, музей, экспедиция, раскопка, находка, исследования, научное открытие, земледельческая культура, скотоводческая культура, городище, канал, сооружения.*

B. Khoshimov

From the history of archaeological research in the Fergana Valley
(1884–1964)

The Fergana Valley is one of the centers of the ancient civilization of mankind. Finding the scientific foundations of this civilization, researching and publicizing the results of their work among academia became major tasks of archaeologists. This article will provide a summary of scholarly works done on the Fergana Valley until the second half of the 20th century.

The first archaeological research in the Fergana Valley began at the end of the 20th century after the conquest of the region by the Russian Empire.

Researchers focused their attention on numerous mounds, city remains, heights, mountains, foothills and natural caves. Initially, the Fergana Valley was studied by the prominent historians N.I. Veselovsky and V.V. Bartold. In the 1930s, archaeological objects were studied by professional archaeologists led by B.A. Latinin. Also, the major archaeological works on the region were produced by Professor M. E. Masson in 1939, who organized archeological expeditions during the construction of the Great Fergana Canal. The scientific reports prepared by T.G. Oboldueva, V.D. Zhukov and Y.G. Gulyamov, who directly participated in this expedition, still have not lost their relevance. The research work of A.N. Bernshtam, who conducted work on the study of mountains, foothills and environs of the Fergana Valley, is still valuable. Thanks to the "Pamir-Alai" expedition, dozens of new discoveries on the ancient history of Fergana Valley became known to academia. During these years M.E. Voronets also conducted research on irrigation and construction, filling the gap with important scientific discoveries. Among his discoveries are the paintings in Sokh and caves on the Sokh-Shakhimardan canal.

After the WWII the famous archaeologists A.P. Okladnikov and V.A. Ranov also studied the highlands of the Fergana valley, which led to the discovery of the sites of primitive people. In particular, the discoveries made in collaboration with amateur historian P.T. Konopley are significant. The sites identified in the vicinity of Palman, Uchqurghan, Qapchughay, Abishir, Qayraqqum, Sokh and Shahimardan were first studied by them and later served as the basis for important discoveries.

The above-mentioned scholars have shown that the Fergana Valley should be studied even deeper from an archaeological point of view. The next generation of scholars have proved their conclusions right.

Keywords*: Fergana, archeology, museum, expedition, excavation, findings, research, scientific discovery, agricultural culture, cattle breeding culture, ancient settlement, canal, structures.*

М. Шамсиев

XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлигини ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг тутган ўрни

XIX асрнинг бошларига келиб Қўқон хонлигининг Россия империяси билан савдо-иқтисодий алоқалари жадал ривожланган. Бунга асосий сабаб, Қўқон хонлигининг Тошкент ҳудудини қўшиб олиши бўлган. Тошкент бу